

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.05.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚЎШОҚОВА БАРНОХОН ЙЎЛДОШЕВНА

**ТИЛ ФУНКЦИОНАЛ РИВОЖЛАНИШИНИНГ
СОЦИОЛИНГВИСТИК ТАҲЛИЛИ
(ўзбек тили мисолида)**

10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Content of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
on Philological sciences**

Қўшоқова Барнохон Йўлдошевна

Тил функционал ривожланишининг социолингвистик таҳлили
(ўзбек тили мисолида) 3

Kushakova Barnokhon Yuldashevna

Sociolinguistic analysis of functional development of the language
(on the material of Uzbek) 23

Кушакова Барнохон Юлдашевна

Социолингвистический анализ функционального развития языка
(на материале узбекского языка) 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 45

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.05.02
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚЎШОҚОВА БАРНОХОН ЙЎЛДОШЕВНА

**ТИЛ ФУНКЦИОНАЛ РИВОЖЛАНИШИНИНГ
СОЦИОЛИНГВИСТИК ТАҲЛИЛИ
(ўзбек тили мисолида)**

10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Fil637 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.fdu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Маджидова Раъно Уришевна
филология фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Бердалиев Абдували
филология фанлари доктори, профессор
Худойберганова Дурдона Сиддиқовна
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.1017. Fil.05.02 рақамли илмий кенгашнинг «___» _____ 2019 йил соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19. Тел.: манзил бўйича: (99873) 244-44-29; факс: (99873) 244-44-91; e-mail: fardu_info@umail.uz.

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19. Тел.: манзил бўйича: (99873) 244-44-94.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

М.Х. Ҳакимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, филол. ф.д.

М.Т. Зокиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, филол.ф.н., доцент

С.М. Мўминов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигининг муҳим масалаларидан ҳисобланган тил ва жамият ўртасидаги алоқа, тилнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва амалда қўлланилиши, жамиятнинг турли синфлар, гуруҳларга бўлиниши туфайли тилда рўй берадиган ижтимоий дифференциация ва турли халқларни ягона тил доирасига бирлаштирувчи интеграция ҳодисалари, тилнинг ижтимоий функциялари сони, уларнинг ривожланиши ва кенгайиши каби масалаларни тадқиқ этиш илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Жаҳон тилшунослигида тилнинг пайдо бўлиши жамиятнинг пайдо бўлиши билан бевосита боғлиқлиги ҳамда ҳар икки моҳиятнинг динамик ҳодиса сифатида тўхтовсиз ўзгаришларга учраши тадқиқи долзарблик касб этади. Анъанавий социолингвистика сўзловчининг нутқий портретини тасвирлаш тажрибасига эга бўлса, замонавий социолингвистика тилшуносликнинг антропоцентрик парадигма тамойиллари кенг миқёсда амал қилиши туфайли кучли лисоний шахсни тасвирлаш тажрибасини орттираётганлигини кузатиш мумкин. Бугунги кундаги глобаллашув жараёнида тил ва жамиятнинг ўзаро алоқаси, тилнинг ривожланишига таъсир қилувчи ижтимоий омиллар, жамиятнинг турли соҳаларида тил функциялари таъсирининг ошиши ва бунинг натижасида тилнинг ички ва ташқи томондан ривожланишига доир олиб борилаётган изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда ўзбек тилшунослигида социолингвистика муаммоларини ўрганиш бўйича амалга оширилган изланишлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада мамлакатимиздаги мавжуд кўп тилли жамият ва амалда бўлган турли тилларнинг ўзаро таъсири, ҳолати, мукаммаллашуви, мавқеининг ошиши ҳамда функционал ривожланиши масалаларига оид изчил таҳлилларнинг етарли эмаслиги, бу йўналишдаги илғор жаҳон тажрибасини тадқиқотларда самарали қўллаш ҳамда социолингвистик изланишларни олиб бориш тилшунослигимиздаги муҳим вазифалардан биридир. Мамлакатимизда илм-фан ва таълимни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётган ҳозирги кунда «олий таълим муассасалари илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш, олий таълимда илм-фанни янада ривожлантириш, унинг академик илм-фан билан интеграциялашувини кучайтириш»¹ вазифаси тилшуносликка оид назарий ва амалий тадқиқотлар учун асосий йўналишларни белгилаб беради. Бу эса ўз навбатида тилнинг ички имкониятларини эгаллаш, миллий маънавиятни такомиллаштириш ва уни ёшлар онгига сингдиришда алоҳида аҳамиятли эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4794-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича «Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. // <http://www.lex.uz/docs/3107036>.

ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2019 йил 17 июндаги ПҚ-4358-сон «2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва яна бир қатор меъёрий-ҳукуқий ҳужжатларда белгилаб берилган вазифалар ижросида ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлаштирилган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳукуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тилшуносликнинг социолингвистика йўналишида бир қатор олимлар ўз тадқиқот ишларини олиб борган: а) Ю.Д. Дешериев, В.К. Журавлев, В.Ю. Михальченко каби хориж олимлари²; б) А.Ҳожиев, А.А. Абдуазизов, А.Н. Баскаков, А.С. Содиков, А. Нурмонов, Р. Расулов, Н.Маҳмудов, М.Т. Ирискулов, О. Азизов, Ж.А. Мамашукуров, Н. Улуқов, З. Холманова, А.Х. Тўрахожаева каби ўзбек олимлари³ тадқиқот ишлари олиб борган.

Замонавий социолингвистика асосларини XIX-XX асрларда вужудга келган социологик йўналиш вакиллари яратганини таъкидлаш лозим (Ж.Локк, В.Гумбольдт, В. Вундт, Г. Штейнталь, А.Мейе, О. Конт, Э. Дюркгейм, У.Д.Уитни, Э. Сепир, Ж.Ферс ва б). Улар томонидан тил мулоқот воситаси, тафаккур курали сифатида таърифланади ва тилнинг коммуникатив функцияси асосий функция сифатида эътироф этилади. А.Мейе тилдаги ўзгаришларни

² Дешериев Ю.Д. Теоретические аспекты изучения социальной обусловленности языка. – М.: Наука, 1988. – 200 с.; Дешериев Ю.Д. Социальная лингвистика. – М.: Наука, 1977. – 382 с.; Журавлев В.К. Социолингвистический аспект истории литературных языков. В кн. Влияние социальных факторов на функционирование и развитие языка. – М.: Наука, 1988. – 200 с.; Михальченко В.Ю. Социальные факторы и функционально-стилистическая дифференциация языка. – М.: Наука, 1988. – 200 с.

³ Абдуазизов А.А. Содиков А.С. Ирискулов М.Т. Тилшуносликка кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1981. – 226 б.; Абдуазизов А.А. Тилшуносликка кириш назарияси. – Т.: Шарқ, 2010. – 262 б.; Азизов О. Тилшуносликка кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 176 б.; Баскаков А.Н. Социальные факторы в их воздействии на лексико-семантическую систему языка (на материале лексики тюркских языков). – М.: Наука, 1988. – 200 с.; Ирискулов М.Т. Тилшуносликка кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – 256 б.; Мамашукуров Ж.А. Ўзбек тилининг давлат тили сифатида ривожланишининг ижтимоий-сиёсий ва маънавий асослари. // Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация. Т. 1999.; Тўрахожаева А.Х. Мустақиллик шароитида ўзбек тили ижтимоий-сиёсий лексикасининг тараққиёти: Филол. фанлари номзоди... дис. автореф. – Т.: 2012. – 21 б.; Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 232 б.; Расулов Р. Умумий тилшунослик. – Т.: Фан ва технология, 2007. – 256 б.; Содиков А., Абдуазизов А., Ирискулов М. Тилшуносликка кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1981. – 224 б.; Улуқов Н. Тилшунослик назарияси. – Т.: Баркамол файз медиа, 2016. – 192 б.; Холманова З. Тилшуносликка кириш. – Т., 2007. – 146 б.; Ҳожиев А. Ўзбек тили сўз ясалиши тизими. – Т.: Ўқитувчи, 2007. – 145 б.

ижтимоий сабаблар билан, Ж.Вандриес эса тил эволюциясини ижтимоий муносабатлар мураккаблашуви билан боғлаган.

Рус тилшунослигида тилга мулоқот воситаси сифатида қараш XVIII асрда бошланган бўлиб (М.В. Ломоносов), илк социолингвистик тадқиқотлар XX асрнинг 20-30- йилларида Л.П. Якубинский, В.В. Виноградов, Б.А. Ларин, В.М. Жирмунский, Е.Д. Поливанов, Л.В. Шчерба каби олимлар томонидан амалга оширилди. Хусусан, тил ва жамият ўртасидаги боғлиқлик қонунийлиги назарияси ҳамда тилнинг ижтимоий ҳодиса сифатидаги тадқиқини Ю.Д. Дешериев, Е.А. Татаринцева, Ф.П. Филин каби⁴ олимларнинг ишларида, тил доим ҳаракатда бўлиши ҳамда ўзгариб, ривожланиб туриши билан боғлиқ илмий-назарий қарашларни Ф.М. Березин, Ф.П. Филин ва бошқаларнинг тадқиқотларида, тилнинг ижтимоий ривожланиши ва унга таъсир кўрсатувчи ижтимоий омиллар, тилнинг ижтимоий функциялари каби масалалар тадқиқини Ю.Д. Дешериев, Т.Б. Крючкова кабиларнинг ишларида кузатиш мумкин⁵.

Ўзбек тилшунослигида тилнинг социолингвистик тадқиқи масалалари А.А. Абдуазизов, А.С. Содиков О. Азизов, Ғ.Х. Раҳимов ва бошқаларнинг тадқиқотларида ёритилган⁶. Бироқ тил, хусусан, ўзбек тилининг ички имкониятлари ва унинг ташқи омиллар туфайли ривожланиши, ижтимоий омиллар таъсирида ижтимоий функцияларининг кенгайиши, бунинг натижасида луғат таркибида юз берувчи ўзгаришлар ва сўз маънолари тараққиёти каби масалалар шу вақтга қадар жиддий социолингвистик тадқиқотлар объекти бўлган эмас.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг № ИТД-1, А-1-209 «Маданиятлараро ва коммуникатив ёндашув нигоҳида магистратура мутахассислиги (инглиз тили) бўйича назарий фанлардан инглиз тилида дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш ва ўзбекча-инглизча-русча лингвистик терминлар луғатини тузиш» номли амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тил ижтимоий функцияларининг кенгайиши ва унинг луғат таркиби тараққиётига таъсирини ўзбек тили мисолида ёритиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

замонавий тилшуносликда мавжуд илмий-назарий қарашларни тизимлаштирган ҳолда тил ва жамият алоқасининг қонунийлик назариясини асослаш;

⁴ Дешериев Ю.Д. Социальная лингвистика.–М.: Наука, 1977.–382 с.; Татаринцева Е.А. Роль языка в развитии общества. www.cyberleninka.ru; Филин Ф.П. Проблема социальной обусловленности языка.–М.: 1968;

⁵ Березин Ф.М., Головин Б.Н. Общее языкознание.–М.: Просвещение, 1979.–416 с.; Дешериев Ю.Д. Социальная лингвистика.–М.: Наука, 1977.–382 с.; Филин Ф.П. Проблема социальной обусловленности языка.–М.: 1968; Крючкова Т.Б. Стихийное и целенаправленное в развитие общественно-политической лексики и терминологии (на материале немецкого языка ГДР и ФРГ.–М.: Наука. 1988.–200 с.

⁶ Азизов О. Тилшуносликка кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 176 б.; Баскаков А.Н. Социальные факторы в их воздействии на лексико-семантическую систему языка (на материале лексики тюркских языков).– М.: Наука, 1988. – 200 с.; Содиков А., Абдуазизов А., Ирискулов М. Тилшуносликка кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1981. – 224 б.; Раҳимов Ғ.Х. Инглиз тили Ўзбекистонда: социолингвистик ва прагматик кўрсаткичлар. Монография.-Т.: Тамаддун, 2017. – 268 б.

тилнинг ижтимоий-функционал ривожланишида ижтимоий омилларнинг таъсирини ёритиш;

тил ижтимоий функцияларини таснифлаш масаласини ўрганиш;

тил ижтимоий функциялари кенгайиши юз берган ижтимоий соҳаларни аниқлаш;

тил ижтимоий функцияларининг жамиятнинг турли соҳаларида кенгайиши натижасида луғавий таркибдаги ўзгаришларни таҳлил қилиш;

тил ижтимоий функциялари кенгайишининг сўз маъноси эволюциясида акс этишини ҳамда сўзнинг услубий қўлланилишига таъсирини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ижтимоий функцияларнинг тил луғат таркибига таъсири жараёни хизмат қилади.

Тадқиқотнинг предмети ижтимоий функцияларнинг тил луғат таркибига таъсири натижасида юзага келган ўзгаришлар саналади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда лингвистик тавсифлаш, таснифлаш, социолингвистик таҳлил, компонент таҳлил, лингвостатистик таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ижтимоий-коммуникатив тизим ривожланиши билан бевосита боғлиқ бўлган ижтимоий-сиёсий, тарихий, иқтисодий, маданий, мафкуравий шароитлар тилнинг ички структураси ва унинг функцияларидаги ўзгаришлар ҳамда тил мавқеи кўтарилишининг асосий омили бўлганлиги далилланган;

тилнинг ижтимоий функциялари кенгайиши сўзларда маъно кўчиши, маъно ҳажми кенгайиши/торайиши, архаизмларнинг қайта фаоллашуви, грамматик, семантик ва сўз ўзлаштириш усуллари орқали неологизмлар ҳосил қилинишига олиб келганлиги миқдорий кўрсаткичлар асосида исботланган;

ўзбек тилининг луғат таркибида тилнинг ижтимоий функциялари кенгайиши натижасида юзага келган сўз маъносининг тараққиётидаги ҳамда сўзларнинг услубий қўлланилиш доирасидаги ўзгаришлар изоҳли луғатнинг янги авлодини яратиш тадрижи жадаллашувини тақозо қилиши аниқланган;

тилда пайдо бўлган кўплаб неологизмлар ҳамда луғат таркибидаги сўзларнинг қайта услубий тақсимланиши бевосита тилнинг коммуникатив, когнитив, аккумулятив, экспрессив каби ижтимоий функциялари кенгайишининг инъикоси эканлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилар билан белгиланади:

тил ижтимоий-функционал ривожланишида ижтимоий омилларнинг таъсири аниқланган, уларнинг тавсифи берилган ва таснифи амалга оширилган;

тил ижтимоий функцияларининг жамиятнинг турли соҳаларида кенгайиши ёритилган;

ўзбек тили ижтимоий функцияларининг жамиятдаги ривожланиш соҳалари аниқланиб, луғат таркибидаги янги сўз ва сўз бирикмалари мавзуй жиҳатдан очиб берилган, ўзбек тили ижтимоий функциялари кенгайиши натижасида тилнинг луғат таркибида пайдо бўлган неологизм ва архаизмлар таҳлил қилинган;

сўзларнинг маъно ҳажми кенгайиши ёки торайиши З.М. Маъруфов таҳрири остидаги «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» ва А. Мадвалиев таҳрири

остидаги «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» асосида қиёсий таҳлил қилинган ва миқдорий кўрсаткичлари аниқланган;

2006-2008 йилларда нашр этилган беш жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»га киритилган сўзларнинг услубий бўёқдорлик хусусиятлари лингвостатистик таҳлил қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашувлар, усуллар, назарий маълумотларнинг ишончли манбалардан олингани, амалий мисоллар ва таҳлиллар фактик-таҳлилий тил материалларига таянилганлиги, республика, халқаро миқёсдаги илмий-услубий, илмий-амалий конференция тадқиқот натижалари материаллари тўпламлари, Ўзбекистон Республикаси ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулосалар, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тил ижтимоий функциялари кенгайиши натижасида тилнинг луғат таркибида сўз маъноси тараққиёти ва сўзларнинг услубий қўлланиш доираларида сезиларли ўзгаришлар бўлиши аниқланганлиги, янги пайдо бўлган лексик бирликларнинг грамматик-семантик, миқдорий хусусиятлари икки турли даврга оид (мустақилликкача ва мустақилликдан сўнг) оид луғатлар ёрдамида қиёсий ўрганилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти тадқиқот материаллари ва хулосаларидан тилшунослик, социолингвистика, лексикология, лексикография, стилистика, матн таҳлили бўйича маъруза курслари, семинар машғулотларини ишлаб чиқиш ҳамда олиб боришда, дарслик, ўқув қўлланмалар ёзиш, изоҳли луғатлар тузишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тил, хусусан, ўзбек тили функционал ривожланишининг социолингвистик тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар ва амалий таклифлар асосида:

тил луғат таркибининг жамиятнинг турли соҳаларида ривожланиши сўзларнинг услубий қўлланилиш доирасида ижтимоий функциялар кенгайишини акс эттирувчи луғат таркибидаги ўзгаришлар тўғрисидаги илмий асосланган таклиф ва тавсиялардан, хулосалардан № ОТ-Ф8-062 «Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари» мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 1714/30.02.01-сон маълумотномаси). Натижада луғат таркибининг тараққий этиши тил ижтимоий функциялари кенгайиши натижасида тилда пайдо бўлган неологизмлар ва мавжуд сўзларнинг қайта услубий чегараланиши масалаларига ойдинлик киритилган;

сўз маъно ҳажми кенгайишининг миқдорий кўрсаткичи юқори эканлиги, ижтимоий функциялар кенгайиши натижасида тилда кўплаб неологизмлар пайдо бўлиши, луғат таркибидаги сўзлар қайта услубий тақсимланишига оид илмий хулосалардан Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган ИТД-1-07 рақамли «Тилшунослик асослари фанидан дарслик, ўқув-услубий

мажмуа ва уларнинг электрон нусхаларини яратиш» номли амалий лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 29 ноябрдаги 89-03-4127-сон маълумотномаси). Натижада ушбу амалий лойиҳа доирасида яратилган дарслик ва ўқув-услубий мажмуа янги илмий далиллар билан бойитилган;

Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши, ўзбек тилининг ижтимоий мақоми ва функциялари кенгайишининг илмий асослари, яъни сўз маъноси тараққиёти ва сўзларнинг услубий қўлланилиши, шунингдек, ижтимоий функцияларнинг кенгайишини акс эттирувчи ўзбек тилининг луғат таркибидаги ўзгаришлар тўғрисидаги таҳлилий фикрлар асосида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston» телерадиоканали ДУК «Маданий-маърифий ва бадиий эшиттиришлар» муҳарририяти томонидан «Бедорлик» дастурининг 2018 йил май-октябрь ойларидаги сонлари сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «O'zbekiston» телерадиоканалининг 2018 йил 25 октябрдаги O'z/R-1-176-сон маълумотномаси). Натижада мазкур эшиттиришлар маънавий-маърифий ҳамда бадиий жиҳатдан бойиган, оммабоплиги, илмийлиги таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари жами 37та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 5 та халқаро ва 32 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 1 таси хорижий журналда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалар дан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 143 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, ўрганилганлик даражаси ёритилган; тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети аниқланган; ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши тўғрисидаги маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Тил ижтимоий функцияларининг ривожланиш омиллари ва таснифи муаммолари**» деб номланган бўлиб, унда тил ва жамият ўртасидаги ўзаро алоқадорлик жиҳатлари жаҳон тилшунослигида эътироф этилган назариялар асосида кўриб чиқилган. Тилнинг ривожланиши, унда ижтимоий омилларнинг аҳамияти ўрганилган ва тил ижтимоий функцияларининг таснифланиш муаммолари тадқиқ этилиб, янги

назарий фикрлар билан бойитилган. Тил ижтимоий табиатига кўра ҳаракатланувчи, ривожланувчи; функциясига кўра эса ахборот узатувчи; аккумулятив хусусиятига кўра маълумотни авлоддан-авлодга етказувчи муҳим алоқа воситасидир. В. Фон Гумбольдтнинг фикрича: «тил ҳар доим ривожланиб турадиган динамик ҳодисадир. Бир томондан тил фаолият бўлса, иккинчи томондан фаолият маҳсулидир. Тилда сўзловчи ҳар бир киши ўзининг нутқ фаолияти жараёнида тилнинг ривожланиши учун ўз ҳиссасини қўшади»⁷.

Ижтимоий омил – бу ижтимоий факт ёки аниқ кишилиқ фаолияти доирасида жамиятдаги турли структуранинг системали ташкил қилинган ижтимоий ҳаракатдир. А.Мейе ёзишича, сўзларнинг маъноси ўзгаришига ижтимоий омиллар сабаб бўлиб, жамият тараққиёти ва луғавий тузилма ўзгариши, сўзларнинг кенгрок ёки торроқ доираларда қўлланиши ёхуд бошқа маъно касб этишида муҳим роль ўйнайди. Тилнинг ривожланиши унинг жамиятдаги функцияларига боғлиқ бўлган ижтимоий омиллар асносида юз беради. В.Д.Бондалетовнинг таъбири билан айтганда «жамиятда тил ривожланиши учун унга муайян ижтимоий муҳит керак. Мазкур ижтимоий муҳитни юзага келтирувчи шароитлар тил ривожланишининг мос равишдаги даражаси билан ўзаро боғланади»⁸.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши ўзбек тилининг ижтимоий ривожланиши, ижтимоий функцияларининг кенгайиши ва жамиятда мулоқот воситаси сифатида ишлатилиши учун тегишли шарт-шароитни таъминлади. Ижтимоий тизимнинг ўзгариши, ишлаб чиқариш соҳаси имкониятларининг кенгайиши, илм-фандаги ўзгаришлар, адабиётдаги янгиликлар, давлат бошқарувидаги ўзгаришлар, мафкуравий жараёнлар каби ижтимоий омиллар ўзбек тилнинг тараққий этишида алоҳида аҳамият касб этди.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик шарофати билан ўзбек тилининг мавқеи ва ўрни ошди, ривожланган тил сифатида кенг доирада ижтимоий функцияларни бажара бошлади, дунё тиллари орасида обрўйи тикланди, республика ҳудудида кенг тарқалди, юридик муносабатларда, ҳокимият органларида, расмий ҳужжатларда давлат тили сифатида қўллана бошлади.

Тилнинг ривожланиш даражаси ўзи бажараётган функцияларнинг кенгайиши билан узвий боғлиқ. Тилнинг ижтимоий ривожланишини, ижтимоий мавқеи ошганлигини ва мулоқот воситаси сифатида бутун бир жамият томонидан фойдаланилаётганлигини унинг ижтимоий функциялари кенгайишида кўришимиз мумкин. Лингвистик луғатларда «*функция*» термини тил бирликларининг нутқдаги лисоний ва нолисоний вазифаси билан боғлиқ бўлиб, у ҳодисалар ўртасидаги боғлиқлик ва муносабатларни ифодалаш учун қўлланилиши⁹ кўрсатиб ўтилади.

Ю.С.Степанов қарашларига кўра, тилнинг коммуникатив, воқеликни акс эттирувчи, номинатив, эстетик, магик (ишончлар, диний маросимлар), эмоционал-экспрессив, апеллатив функциялари фарқланади. Социолингвист олим Ю.Д.Дешериев тилнинг коммуникатив, ижтимоий, экспрессив, эстетик,

⁷ Гумбольдт В. Избранные труды по языкознанию. – М.: Прогресс, 1984. – 397 с.

⁸ Бондалетов В. Д. Социальная лингвистика. – М.: Просвещение, 1987. – 160 с.

⁹ Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: Изд-во Советская энциклопедия, 1966. – 608 б.

гносеологик функцияларини санаб ўтади¹⁰. Коммуникатив функция тилнинг бошқа – ижтимоий, экспрессив, эстетик, гносеологик функцияларида акс этиши ва тил табиатини муҳим муомала воситаси ва фикр ифодаси сифатида шартланганлигини ифодалагани сабабли асосий функция сифатида қаралади. Демак, тил функциялари қаторига коммуникатив, номинатив, эстетик, магик, эмоционал-экспрессив, апеллятив, ижтимоий, гносеологик (когнитив), информатив, фатик, метатил, референтив функциялар киради. Тил функцияларининг ҳар бири прагматик, социал ва маданий табиатга эга бўлиб, мазкур хусусиятлар тилда ўз ифодасини топади.

Т.В.Жеребило тил ижтимоий функциялари ҳақида фикр юритар экан, одатий вазиятдаги тил функциялари ривожланган тил функцияларидан фарқ қилишини таъкидлайди. Ривожланган тил ижтимоий функцияларида миллий тил, миллатлараро алоқа ҳамда халқаро алоқаларга доир функциялар акс этса, одатий вазиятдаги тил ижтимоий функциялари қабила тили, халқ тили ва миллий тил доирасида амал қилинади¹¹. Шунга кўра тил ижтимоий функцияларининг кенгайиши унинг лексик, семантик, стилистик ва синтактик тизимини ривожлантириш билан бирга, ўз навбатида, тил эгаларининг маънавий қиёфаси шаклланишида ҳам муҳим роль ўйнайди. Тилларнинг ижтимоий функцияларининг кенгайиши ва ривожланишида жамиятнинг таъсири аҳамиятлидир. Демак, тил ижтимоий функциялари кенгайиши ва тил системасининг ўзгариши бир бири билан узвий боғлиқ ҳодисадир.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Тил ижтимоий функцияларининг кенгайиши: жамиятдаги ўзгаришлар ва тил ривож»** деб номланган. Унда жамиятнинг турли соҳаларида тил ижтимоий функциясининг кенгайиши илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган ва тил ижтимоий функцияларининг кенгайиши тил луғат таркибининг бойиш манбаи сифатида илмий асосланган.

Фан ва техника, адабиёт ва матбуот, давлат идоралари ва ўқув юртлари, радио, кино ва телевидение тили сифатида тан олинган ўзбек тилининг қуйидаги ижтимоий функциялари кенгаётганлиги кузатилади: а) ўзбек тили – муомала ва мулоқот воситаси; б) радио ва телевидение; в) таълим; г) фан-техника; д) давлат корхоналари; е) суд жараёни; ё) ишлаб чиқариш ва расмий ёзишмалар; ж) вақтли матбуот; з) ижтимоий-сиёсий ҳаёт; и) давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари; й) транспорт, қишлоқ хўжалиги ва алоқа корхоналарида; к) хизмат кўрсатиш соҳалари – савдо, умумий овқатланиш ва бошқаларда ўзаро ягона муомала тили ҳисобланади.

Мазкур соҳаларда тил ижтимоий функциялари кенгайиши тил луғавий таркибининг бойишига бевосита сабаб бўлади. Бу борада тилшунос А.А.Абдуазизов шундай ёзади: «Жамият тараққиёти билан бирга ўзгаришда бўлган тил луғат таркиби тилнинг ўз ички заҳиралари ҳамда ривожланган тиллардан сўз ўзлаштириш ҳисобига бойийди. Янги сўзлар ва уларнинг

¹⁰Дешериев Ю.Д. Проблема функционального развития языков и задачи социолингвистики.–В кн. Язык и общество.–М.: Наука, 1968.–268 с.

¹¹Жеребило Т.В. Словарь лингвистических терминов Издание 5-е, испр. и доп.– Назрань: Издательство ООО Пилигрим, 2010. – 486 с.

маънолари тилда тегишли қонун-қоидалар асосида юзага келади»¹². Демак, жамият ва одамлар турмуш тарзидаги бўлаётган янгиликлар тил ва ўз навбатида, луғат таркиби ўзгариб, ривожланиб, бойиб боришини белгилайди. Ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, иқтисод, саноат, фан-техника маданиятининг ўзгариши, ўсиши, ривожланиши тилнинг луғат таркибига таъсир қилади.

Ўзбек тилшунослигида тил луғат таркиби бойишининг асосий усуллари: «Тил луғат таркиби тараққиётининг, асосан, тўрт хил: грамматик, фонетик, семантик ва сўз ўзлаштириш усули» мавжуд дея эътироф этадилар¹³. Таъкидлаш керакки, мустақиллик омилидан сўнг ўзбек тили луғат таркиби, асосан, ана шу тўртта усулнинг учтаси орқали тараққий этганлиги кузатилди: а) грамматик усул (бунда тилнинг сўз яшаш моделлари ва сўз яшаш усуллари асосланилади); б) семантик усул (бунда сўз маъноларининг кўчиши, сўз маъноларининг кенгайиши, сўз маъноларининг торайишидан фойдаланилади); в) сўз ўзлаштириш усули (бунда бошқа тилдан сўз ўзлаштирилади). Шу ўринда қайд этиш лозимки, ўзбек тилининг ижтимоий функциялари кенгайиши натижасида юзага келган тилдаги ўзгаришлар жараёнида архаизмларнинг қайта фаоллашуви ҳам тил лексикасининг ривожланишида муҳим ўрин эгаллади.

Диссертацион ишнинг бу қисмида тил тараққиётининг архаизмларнинг қайта фаоллашуви ва сўз ўзлаштириш усули ёрдамида бойиганлигининг таҳлили алоҳида ўрин эгаллайди. Жамиятнинг турли соҳаларида тил ижтимоий функциялари кенгайиши натижасида айрим архаизмлар бугунги кунда мавжуд бўлган предмет, воқеа-ҳодиса ва жараёнларнинг эски номларини билдириши сабабли ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши натижасида долзарблик касб этиб қайта фаоллашди. Масалан, *муҳр (печать)*, *ислоҳот (реформа)*, *таътил (каникул)* каби кўплаб архаизмлар бугунги кунда нофаол луғат таркибидан чиқиб, яна фаоллик тусини олди.

Қайта фаоллашган архаизмлар жамиятнинг барча соҳалари (иқтисод (*бюджетчи, валюта* (лотин), *раста* (форс), *режалаш* (форс), *улгуржи*); сиёсат (*демократия* (юнон), *ислоҳот* (араб), *истиқлол* (араб), *мафкура* (араб); давлат бошқаруви (*анжуман* (форс), *вазир* (араб), *маъмурий* (араб), *раёсат* (араб)); маданий-маиший ҳаёт (*мушиқа* (араб), *ногирон* (форс), *нафақа* (араб), *соз* (форс), *табобат* (араб)); маориф ва таълим (*амалиёт* (араб), *гимназия* (юнон), *гуруҳ* (форс), *лицей* (лотин); оммавий ахборот (*матбаа* (араб), *муассис* (араб), *муҳаррир* (араб), *ношир* (араб)); ахборот-коммуникацион технология (*дастур* (форс), *дастурий* (форс), *ойнаи-жаҳон* (форс)); спорт (*ҳалол* (араб), *танбех* (араб), *дакки* (ҳинд), *гирром*, *мураббий* (араб)); дин (*азон* (араб), *диндор* (араб+форс), *пешин* (форс), *қори* (араб))да қўлланилиб, уларнинг баъзи ҳолларда маъно ҳажми кенгайиши, баъзи ҳолларда эса, янги тушунчаларни акс эттириши кузатилди. Қайд этиш жоизки, қайта фаоллашган архаизмларнинг этимологик келиб чиқиш хусусиятлари шуни кўрсатадики, бундай сўзлар лотин, араб, форс, юнон, инглиз, ҳинд каби тиллардан кириб келган бўлиб, уларнинг аксарияти араб ва форс тилларига мансуб сўзлардир.

¹² Абдуазизов А.А. Тилшуносликка кириш назарияси. – Т.: Шарқ, 2010. – 115-116 Б.

¹³ Содиқов А., Абдуазизов А., Ирискулов М. Тилшуносликка кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1981. – 87 Б.

Тилда юз берадиган ижтимоий функцияларнинг кенгайишида яна бир муҳим воситалардан бири бу бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш ҳисобланади. Бошқа тилдан ўзлашган сўзлар тилда дастлаб неологик характерда бўлади. Неологизмлар тилнинг ўз ички имкониятлари ёки ташқи таъсир натижасида ҳосил бўлиши мумкин. Илмий адабиётларда эътироф этилишича: «неологизмлар... а) янги тушунча, предмет ёки ҳодисанинг номини атайди; б) аввал мавжуд бўлган предмет ёки ҳодисанинг белгиларини фарқлайди; в) тилдаги воситаларни тежайди; фикрни аниқроқ ифодалаш учун хизмат қилади»¹⁴.

Ўзбек тили луғат таркибининг бойишида муҳим роль ўйнаган неологизмларнинг жамиятнинг турли соҳалари (иктисод (*ассортимент* (француз), *бизнес* (инглиз), *индексация* (лотин), *иномарка* (рус)); сиёсат (*глокал* (инглиз), *легаллаштирмоқ* (лотин), *наносоциализм*, *этнополитик* (юнон), *урбанизация* (лотин)); давлат бошқаруви (*департамент* (француз), *палата* (лотин), *парламент* (француз), *саммит* (инглиз)); маданий-маиший ҳаёт (*интерфакс* (лотин), *телетекст* (юнон+лотин), *факс* (лотин), *шоу* (инглиз)); маориф ва таълим (*бакалавр* (лотин), *интернет* (инглиз), *магистр* (лотин), *рейтинг* (инглиз), *тест* (инглиз)); ахборот-коммуникацион технология (*блог* (инглиз), *интерфакс* (лотин), *ксерокопия* (юнон + лотин), *роутер* (француз)); спорт (*аутсайдер* (инглиз), *голеадор* (испан), *катеначио* (итальян), *покер* (немис), *хавбек* (инглиз))да пайдо бўлганлиги аниқланди. Этимологик хусусиятларига кўра, бундай ўзлашма сўзлар, асосан, инглиз, француз ва лотин тилларидан кириб келганлигига гувоҳ бўламиз.

Шунингдек, диссертациянинг бу бобида тил ижтимоий функциялари кенгайишининг сўз ясалиши ва сўз бирикмаси ҳосил қилинишидаги роли ва аҳамиятининг таҳлили амалга оширилган.

Ўзбек тили луғат таркиби қайта фаоллашган архаизмлар ва чет тиллардан кириб келган неологизмлар билан бир қаторда ўз ички имкониятларидан фойдаланиб, профессор Х.С.Мухитдинова таъкидлаганидек: «тилдаги муайян усул ва воситалар ёрдамида янги сўз ҳосил қилиш» ҳисобига бойиди¹⁵. Шунингдек, инглиз ва ўзбек тилларида солиқ ва божхона терминларининг деривацион тадқиқига оид ишда соҳа терминларининг бойишида ички ва ташқи омилларнинг ўрни, мазкур соҳа терминлари ясалишида аффиксация орқали сўз яшаш қийёсланаётган тилларда маҳсулдор усул эканлиги алоҳида эътироф этилади¹⁶.

Ижтимоий функциялар кенгайиши натижасида ўзбек тилида фаол сўз ясалиши моделлари саналган аффиксация ва композиция усуллари муҳим роль ўйнаши аниқланди. Хусусан, аффиксация усули ёрдамида янги сўзлар қуйидаги морфологик бирикмаларда ўз аксини топади: от + *-лик* (бунда от туркумига оид сўзга отдан от ясовчи *-лик* аффикси қўшилади): *акционерлик*, *бангифурушлик*,

¹⁴ Содиқов А., Абдуазизов А., Ирискулов М. Тилшуносликка кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1981. – 224 б.

¹⁵ Мухитдинова Х., Худайберганаева Д., Умиров И., Жиянова Н., Юсупова Т. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т.: Илм-зиё, 2004. – 216 б.

¹⁶ Ахмедов О.С. Инглиз ва ўзбек тилларида солиқ-божхона терминларининг лингвистик таҳлили ва таржима муаммолари: Филол.фан.докт...дисс.автореф. – Т., 2016. – 86 б.

даҳлдорлик, ҳиссадорлик; от + -гоҳ (бунда от туркумига оид сўзларга -гоҳ сўз ясовчи аффикси қўшилиб, асосан, жой-ўринни билдирувчи отлар ясалади манзилгоҳ, сиҳатгоҳ, томошагоҳ, ўйингоҳ; от + -нома (бунда от туркумига оид сўзларга -нома сўз ясовчи аффиксоиди қўшилади): ишончнома, йўриқнома, таҳлилнома, ҳафтанома; от + -чи (бунда отга -чи сўз ясовчи аффикс қўшилиб, касб-ҳунарни билдирувчи сўзлар ясалади): бизнесчи, таъсисчи, услубчи, ширкатчи; от + соз (бунда от туркумига оид сўзларга -соз сўз ясовчи аффикси қўшилади): йўлсоз, тракторсоз; от + -дор (бунда от туркумига оид сўзларга -дор сўз ясовчи аффикси қўшилади): совриндор, даҳлдор; от + -дор + -лик (бунда от туркумига оид сўзларга -дор ва -лик сўз ясовчи аффикслари қўшилади): совриндорлик, даҳлдорлик, ҳиссадорлик; от + -параст (бунда от туркумига оид сўзларга -параст сўз ясовчи аффикси қўшилади): ақиданараст, миллатпараст, фирқанараст; от + -ий (бунда от туркумига оид сўзларга -ий сўз ясовчи аффикси қўшилиб сифат ясалади): намунавий, хорижий, қомусий; от + -шунос (бунда от туркумига оид сўзларга -шунос сўз ясовчи аффикси қўшилади): муסיқашунос, услубшунос, ҳадисшунос; от + -шунос + -лик (бунда асосан юқоридаги тартибда ясалган отларга -лик аффикси қўшилиб янги от ясалади): коинотишунослик, матншунослик, ҳадисшунослик; от + -бош + -и (бунда от туркумига оид сўзларга -бош ва -и аффикслари қўшилади): карвонбоши, сафбоши, синфбоши, юртбоши; от + -хўр (бунда от туркумига оид сўзларга -хўр сўз ясовчи аффикси қўшилади): нафақахўр; от + -лар + -аро (бунда от туркумига оид сўзларга -лар ва -аро сўз ясовчи аффикслари қўшилади): вилоятлараро, давлатлараро; от + -ли (бунда от туркумига оид сўзларга -ли сўз ясовчи аффикси қўшилади): нуфузли, мантиқли, русумли; от + хона (бунда от туркумига оид сўзларга -хона сўз ясовчи аффиксоиди қўшилади): божхона, ваколатхона, маслаҳатхона; но- +от (бунда от туркумига оид сўзларга но- префикси қўшилади): нодавлат, нотижорат, ноҳукумат; ҳам- +от (бунда от туркумига оид сўзларга ҳам- префиксоиди қўшилади): ҳамжамият, ҳаммуаллиф, ҳамраис.

Композиция модели асосида ясалган янги сўзлар қуйидаги қолипларда намоён бўлди: от + от (бунда сўз ясашда иккита отни бир-бирига қўшишда ярим калькалаш усули қўлланилган): агрофирма, нейрожарроҳ, микроиқтисод; от + от (бунда янги тушунча ҳосил қилиш учун сўзга сўз қўшиш усулидан фойдаланилган): юкорткич, далаҳовли, симтўсиқ; от + феъл (бунда от сўз туркумига феъл қўшилади): изтопар; олмош + феъл (бунда олмош сўз туркумига феъл қўшилади): кимошди.

Мустақиллик даврида ижтимоий-сиёсий тизим янгиланиши муносабати билан давлат бошқарув органлари структурасида тубдан ўзгаришлар бўлганлиги сабабли кўплаб қўшма сўзлар ҳосил қилинди. Улар, асосан, давлат ташкилотлари номларига тегишли бўлиб, бундай қўшма сўзлар икки ва ундан ортиқ компонентлардан ташкил топган.

Шунга кўра уларни компонентлар салмоғига кўра қуйидагича тасниф қилиш мумкин: а) икки компонентли қўшма сўз. Бунда қўшма сўзларнинг компонентлари асосан от+от ва сифат+от кўринишида ўз ифодасини топган: божхона (форс) қўмитаси, Вазирлар (араб) Маҳкамаси (араб), парламент ассамблеяси, Ўзбекистон Президенти; б) уч компонентли қўшма сўз. Бунда

қўшма сўзларнинг компонентлари асосан сифат+от+от ва от+от+от кўринишида ўз ифодасини топган: *миллий* (араб) *бирлик ҳукумати* (араб), *Давлат Мулк* (араб) *қўмитаси*, *Олий* (араб) *Мажлис* (араб) *Сенати*(лотин); в) тўрт компонентли қўшма сўз. Бунда қўшма сўзларнинг компонентлари асосан сифат+от+от+от ва от+от+сифат+от кўринишида ўз ифодасини топган: *халқаро Кураш Ассоциацияси* (лотин) *Президенти* (лотин), *Ўзбекистон Кураш Миллий* (араб) *федерацияси* (лотин).

Янги пайдо бўлган сўз бирикмалари жамиятнинг турли соҳалари (иқтисод (*бозор* (форс) *иқтисодиёти* (араб), *бозор* (форс) *муносабатлари* (араб), *божхона* (форс) *қўмитаси* (*комитет*) (лотинча, рус тили орқали)), *бизнес* (инг. рус тилидан кириб келган)-*консультант* (инг. рус тилидан кириб келган), *бизнес* (инг. рус тилидан кириб келган)-*инкубатор* (лотинча)); сиёсат *вахҳобийлик* (араб) *оқими*) *демократик* (юнон) *давлат* (араб), *исломий* (араб) *давлат* (араб)); давлат бошқаруви (*ижро* (араб), *ҳокимияти* (араб), *мамлакат* (араб) *парламенти* (француз), *ҳудудий* (араб) *тузилма*); маданий-маиший соҳа (*коммуникация* (лотин) *тармоғи*, *компрессор* (лотин) *станцияси* (лотин) *киндер сюрприз* (итальян), *ҳудудий* (араб) *бўлиниши*); маориф ва таълим (*касб-ҳунар* (араб) *коллежи* (француз), *молия* (араб) *академияси* (юнон) *академик* (юнон)-*лицей* (лотин), *бизнес* (инглиз) *мактаб* (араб)); оммавий ахборот (*ахборот* (араб) *бозори* (форс) *веб-сайт* (инглиз), *пресс-шоу* (инглиз)); ахборот-коммуникацион технология (*мобиль* (лотин) *алоқа* (араб) *воситаси* (араб) *вайфай зона* (юнон), *интернет* (инглиз) *клуб* (инглиз)); спорт (*Президент* (лотин) *кубоғи* (инглиз), *Президент* (лотин) *соврини*, *гуруҳий* (форс) *пойга*, *миллий* (араб) *Кураш*); дин (*Жума* (араб) *намози* (араб), *диний* (араб) *ақиданарастлик* (араб), *диний* (араб) *мазҳаб* (араб))да қўлланила бошлаганлиги таҳлил қилинди.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турганидек, тил ижтимоий функцияларининг иқтисод, сиёсат, маориф ва таълим, дин, спорт, маданият, маиший хизмат кўрсатиш, давлат бошқаруви, оммавий ахборот воситалари, ахборот-коммуникацион технологиялари каби соҳаларда кенгайиши янги сўз бирикмаларида ўз аксини топади. Бу эса ўз ўрнида, ўзбек тилининг жамиятда ижтимоий функциялари кенгайганлиги ва натижада луғат таркиби бойиганлигидан далолат беради.

Ўзбек тили луғат таркибининг ички имкониятлар асосида бойишида муҳим роль ўйнаган сўз бирикмалари қуйидаги синтактик тузилмаларда ўз аксини топади: сифат +от, бу усулда бириккан сўзлар таркибидаги қисмларнинг она тили ёки хориж сўзи эканлигига қараб иккига бўлинади: а) сўз бирикмасининг ҳар икки қисми ҳам ўзбек тилида бўлади: *амалий таириф*, *бож ҳақи*, *хорижий сармоя*, б) сўз бирикмасининг бир қисми хориж тилида бўлади: *академик лицей*, *кичик бизнес*, *стратегик ҳамкор*; от+от, бу усулда ҳам бирикмадаги компонент она тил (*божхона қўмитаси*, *бозор иқтисодиёти*, *ҳаж зиёрати*) ва чет тил (*акционерлик тижорат*, *молия кредит*) ёки ҳар иккала қисм ҳам чет тил (*бизнес-консультант*, *парламент ассамблеяси*, *пресс-шоу*)да бўлиши мумкин; қаратқич келишигидаги от+бош келишиқдаги от (бу сўз бирикмаларида қаратқич келишигидаги от белгисиз, яъни қўшимчасиз ишлатилади): а) компонентлари ўзбек тилида (*вазирлар маҳкамаси*, *давлат*

мадҳияси, истиқлол шабадалари); ва компонентларидан бири чет тили (биржа комитети, вазирлик лицензияси, рейтинг тизими)да бўлиши мумкин; от+от+от (бунда учта от сўз туркумига мансуб сўзлар иштирокида сўз бирикмалари тузилади): давлат акционерлик уюшмаси, давлат мустақиллик гояси, давлат таълим стандарти; сифат+сифат+от (бунда иккита сифат ва битта от сўз туркумларига оид сўзлар иштирокида сўз бирикмалари тузилади): демократик ҳуқуқий давлат, кичик ва ўрта бизнес, миллий ва диний туйғу; сифат+от+от (бунда сифат ва иккита от сўз туркумига оид сўзлар иштирокида бирикмалар тузилади): миллий истиқлол мафкураси, қимматбаҳо қозғалар бозори.

Диссертациянинг учинчи боби «Тил ижтимоий функциялари кенгайишининг сўз семантик структурасига таъсири» деб номланган. Бу бобда тил ижтимоий функциялари кенгайишининг сўз функционал ва услубий қўлланилишига таъсири масалаларининг таҳлили амалга оширилган.

Жамиятдаги ижтимоий-сиёсий, мафкуравий, иқтисодий, маданий-маиший ва бошқа ўзгаришлар, уларнинг натижасида тил ижтимоий функцияларининг кенгайиши тилнинг фонетик, лексик, грамматик сатҳларига сезиларли таъсири, бу ўзгаришлар лексикада бошқа қатламлардагига нисбатан тезроқ юз бериши кузатилади.

Луғат таркиби, нафақат, архаизмлар фаоллашуви ёки неологизмлар ҳосил бўлиши ҳисобига, балки сўз маъноси тараққиёти: маъно кўчиши, маъно ҳажми кенгайиши/торайиши каби семантик ўзгаришлар билан ҳам характерланади.

Ушбу тадқиқотда тил ижтимоий функциялари кенгайишининг сўз маъноси тараққиётига таъсири З.М.Маъруфов ва А. Мадвалиев таҳрири остидаги луғатлардаги сўзларнинг маъно миқдорини қиёслаб ўрганганда шу аниқландики, А.Мадвалиев таҳрири остидаги луғатда жами 3221 та сўзнинг маъно ҳажми З.М.Маъруфов таҳрири остидаги луғатда ўзгаришларга учрагани қайд этилган, жумладан, 2372 та сўз маъно ҳажми кенгайган, 849 та сўз маъно ҳажми торайган [1-жадвалга қаранг]:

1-жадвал.

**Ўзбек тили ижтимоий функцияларининг ривожланиши
таъсирида сўз маънолари тараққиёти**

Маъноси ўзгарган сўзлар миқдори Маъно ҳажмидаги Ўзгаришлар	Сонда	Фоизда
Маъно ҳажми кенгайган сўзлар	2372	74%
Маъно ҳажми торайган сўзлар	849	26%
Жами:	3221	100%

Жадвалдан кўриниб турганидек, тил ижтимоий функциялари ривожланиши сўз маънолари доираси кенгайишида кўпроқ намоён бўлади. Бунда маъно ҳажми кенгайиши ҳодисаси аксарият ҳолларда нейтрал қатламда кузатилса-да, ижтимоий соҳалардаги ислохотларни ҳам кенг қамраб олади.

Ўзбек тилида маъно ҳажми кенгайган сўзлар жамиятнинг турли соҳаларида кузатилди. Тадқиқот мобайнида йиғилган сўзларни қуйидаги бир қатор мавзуй гуруҳларга ажратилди: сўзлашув тилида қўлланиладиган сўз, ибора (*фигура*,

хонаки); тиббиётга оид атама (*хафақон, доза*); эскирган сўз, ибора (*байтулмол, бақо*); ботаникага оид атама (*сирач*); тарихга оид, тарихий атама (*саркор, танобчи*); эскирган китобий сўз, ибора (*робита, тажалли*); китобий сўз, ибора (*ганж, тадриж*); зоологияга оид сўзлар (*амфибия, силовсин*); тилшуносликка оид атамалар (*артикуляция, парадигма*); техникага оид атама (*бандаж, радиатор*); спортга оид атама (*ревани, туризм*); иқтисодга оид сўзлар (*реклама, амортизация*); поэтик сўз, ибора (*сарсари*); адабиётга оид атама (*достон, поэма*); биологияга оид атама (*адаптация*); кимёга оид атама (*валентлик, синтезламоқ*); диний сўз, ибора (*барот, фосид*); ҳуқуққа, ҳуқуқшуносликка оид атама (*арбитраж, санкция*); фольклорга оид сўз (*алп, хоназод*); фалсафага оид атама (*аналогия, объективизм*); математикага оид атама (*параллелизм, параметр*); мусикага оид атама (*альт, сарпарда, баритон*); физикага оид атама (*динамика, электрод*); астрономияга оид атама (*обсерватория, сателлит*); сиёсатга оид атама (*реакцион, репарация*); анатомияга оид атама (*без, томир*); ҳарбий ишга оид сўз, атама (*гвардия, пикет*); полиграфияга оид атама (*ротатор*).

Луғат таркибидаги сўз ва атамаларнинг маъно ҳажми кенгайиши ёки торайиши тил ижтимоий функциялари кенгайганлигидан далолат бериб, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маиший ва бошқа соҳадаги янгилик ва ислохотларни ўзида акс эттиради.

Тил ижтимоий функциялари кенгайишининг сўз услубий қўлланилишига таъсирини аниқлаш мақсадида З.М.Маъруфов таҳрири остидаги 60000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмасидан иборат 2 томли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» (1981й.) ва А.Мадвалиев таҳрири остидаги 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмасидан иборат 5 жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»лари (2006-2008 йй.) ни қиёсий таҳлил қилиш натижасида янги нашрдаги «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да жами 5397 та олдинги нашрдагида мавжуд бўлмаган янги сўзлар киритилгани маълум бўлиб, улардан 4174 таси нейтрал характерга эга эканлиги, 1223 таси қўлланилишига кўра услубий чегараланганлиги аниқланди [2-жадвалга қаранг]:

2-жадвал.

А.Мадвалиев таҳрири остидаги «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» га киритилган янги сўзларнинг услубий бўёқдорлиги

Янги сўзлар миқдори	Сонда	Фоизда
Услубий Бўёқдорлиги		
Нейтрал қатламдаги сўзлар	4174	77%
Услубий қўлланилиши чегараланган сўзлар	1223	23%
Жами:	5397	100%

Таҳлил шуни кўрсатдики, А.Мадвалиев таҳрири остидаги «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да қайд этилган янги 5397 та (100 фоиз) сўзларнинг 77 фоизи нейтрал қатламга хос, 23 фоизи эса услубий бўёқдорликка эга сўзлардир.

Услубий бўёқдорликка эга янги сўзлар қўлланилишининг у ёки бу соҳада чегараланганлиги, улар, айнан, шу соҳалардаги янги предмет, воқеа, ҳодиса ва жараёнларни англатувчи тушунчаларни ифодалашга хизмат қилишини кўрсатди.

Услубий бўёқдорликка эга янги сўзлар қўлланилишининг у ёки бу соҳада чегараланганлиги, улар, айнан, шу соҳалардаги янги предмет, воқеа, ҳодиса ва жараёнларни англатувчи тушунчаларни ифодалашга хизмат қилиши билан боғлиқ. Услубий бўёқдорликка эга янги сўзларнинг пайдо бўлиши тил ижтимоий функциялари кенгайишининг таъсирида рўй беради. Хусусан, жамиятдаги демократизация жараёни сўзлашув услубига хос сўз ва иборалар услубий бўёқдорликка эга янги сўзлар орасида 131 та (10.71%)ни ташкил этишида кўришимиз мумкин. Тиббиётга оид 129 та (10.54%) атамалар бир томондан ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганидан кейин бошқа тиллардан ўзлаштирилган сўзлар бўлса, иккинчи томондан, тиббиёт соҳасига кириб келган янги предмет, воқеа, ҳодиса ва жараёнларни англатувчи неологизмлардир.

Мустақиллик омили таъсирида 124 та (10.13%) кам қўлланиладиган, 44 та (3.6%) фольклорга оид, 38 та (3.1%) китобий, 32 та (2.6%) этнографияга оид, 27 та (2.2 %) шевага оид, 20 та (1.63%) поэтик, 15 та (1.22%) тақлид, 15 та (1.22%) диний, 9 та (0.73%) шева фольклорга оид, 7 та (0.57%) санъатга оид, 2 та (0.16%) болалар нутқига хос, болалар ишлатадиган, 1 та (0.08%) кўчма поэтик, 1 та (0.08%) сўзлашув тили фольклорга оид, 1 та (0.08%) тарихий этнографик, 1 та (0.08%) механикага оид, 1 та (0.08%) метеорологияга оид, 1 та (0.08%) оптикага оид сўзлар қайтадан истеъмолга киритилди.

Республикамизда фан ва таълим тараққиёти натижасида 54 та (4.4%) ботаникага оид, 49 та (4%) тарихга оид, 37 та (3.02%) зоологияга оид, 33 та (2.7%) тилшуносликка оид, 19 та (1.55%) адабиётга оид, 29 та (2.4%) техникага оид, 21 та (1.7%) махсус сўз, атама, 18 та (1.5%) биологияга оид, 18 та (1.5%) кимёга оид, 9 та (0.73%) математикага оид, 9 та (0.73%) муסיқага оид, 9 та (0.73%) фалсафага оид, 8 та (0.65%) физикага оид, 6 та (0.5%) астрономияга оид, 6 та (0.5%) географияга оид, 4 та (0.32%) анатомияга оид, 4 та (0.32%) педагогика оид, 4 та (0.32%) физиологияга оид, 2 та (0.16%) геологияга оид, 2 та (0.16%) геометрияга оид, 2 та (0.16%) тиббий биологияга оид, 2 та (0.16%) полиграфияга оид атама, 2 та (0.16%) психологияга оид, 1 та (0.08%) педпсихологияга оид, 1 та (0.08%) фармакологияга оид сўзлар фаоллашиб луғат таркибидан ўрин олди.

Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маиший соҳалардаги ислохотларни 29 та (2.4%) техникага оид, 26 та (2.12%) спортга оид атама, 25 та (2.04%) иқтисодга оид сўзлар, 15 та (1.22%) ҳуқуққа, ҳуқуқшуносликка оид, 5 та (0.4%) сиёсатга оид, 4 та (0.32%) молияга оид, 3 та (0.24%) ҳарбий ишга оид, 2 та (0.16%) молияга оид, 1 та (0.08%) авиацияга оид атама, 1 та (0.08%) бинокорликка оид, 1 та (0.08%) халқ хўжалигига оид, 1 та (0.08%) кулинарияга оид атама, 1 та (0.08%) тўқимачиликка оид, 1 та (0.08%) тарихий ҳарбий сўз, 1 та (0.08%) атама денгиз сўзлари каби сўзлар қўлланилишида кўришимиз мумкин.

Умуман олганда, ижтимоий-сиёсий, мафкуравий, иқтисодий, маданий-маиший ва бошқа соҳалардаги ислохотларнинг тилга таъсири услубий чегараланган сўзларнинг нейтрал қатламга ўтиши, нейтрал қатламдаги сўзлар услубий чегараланиши ва услубий бўёқдор сўзлар бошқа услубий чегараланган соҳага ўтишида намоён бўлади.

Услубий чегараланган сўзларнинг нейтрал қатламга ўтиши жараёнида у ёки бу услубий қўлланилиши чегараланган сўзларнинг услубий бўёқдорлиги нейтрал тус олиб, бундай ҳодиса эскирган сўзлар (*алифбе, ваъз*), сўзлашув тилига хос сўзлар (*ажабтовур, гап-гаштак*), китобий тилга хос сўзлар (*беодоб, бойбачча*), шевага оид сўзлар (*ахталамоқ, гужум*), диний мавзудаги сўзлар (*анбиё, дажжол*), кам қўлланилган сўзлар (*баднафс, қадимона*), поэтик сўзлар (*балқимоқ, гулрў*) тиббиётга оид сўзлар (*атеросклероз, даббо*), кимё соҳасига оид *актиний*, фольклорга оид *алқор*, зоологияга оид *амфибия*, мусикага оид *ария*, анатомияга оид *асаб*, бинокорликка оид *балка*, физикага оид *вакуум*, лингвистикага оид *варваризм, вокализм*, физикага оид *ватт*, тарихий *домулло*, сиёсатга оид *экстремизм* сўзларининг қўлланилишида кузатилади.

Нейтрал қатламдаги сўзлар услубий чегараланиши. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши асносида тилда рўй берган ўзгаришлар таъсирида фаол лексика пассивлашиш жараёнига юз тутди. Бир қатор нейтрал қатламга хос сўзларнинг услубий қўлланилиши чегараланди ва А.Мадвалиев таҳрири остидаги «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да қуйидаги услубий белгилар билан қайд этилди: эскирган китобий сўзлар (*абад, адад*); кам қўлланиладиган сўзлар (*шухратланмоқ, қавл*); шевага хос сўзлар (*ада, биби*); ботаникага оид сўзлар (*бақатерак, эшакмия*); тиббиётга оид сўзлар (*алкоголизм, доза*); фольклорга оид сўзлар (*гўристонлик, даҳмарда*); китобий сўзлар (*айният, афв*); зоологияга оид сўзлар (*барс, бағриқурт*); сўзлашув тилига хос сўзлар (*ажива, бозорлашмоқ*); тарихий сўзлар (*алёр, ўроқ-болға*); техникага оид атамалар (*биплан, дрезина* ва бшқ.); физикага оид сўзлар (*баллистик, вольт*); махсус сўз, атама (*гўплия, эстакада*); биологияга оид *аврат*, иқтисодга оид *амортизация*, оптикага оид *анализатор*, фалсафага оид *аналогия*, ижтимоий соҳага оид *бахт*, этнографик *белуж*, ҳуқуқий соҳадаги *босқинчилик*, поэтик *бўса*, ҳарбий соҳага оид *взвод*, кулинарияга оид *винегрет*, геометрияга оид *диаметр*, кимё-технологияга оид *дистилляция*, қурилиш-савдога оид *шўриш*, адабиётга оид *экспозиция*, ўхшатиш, қишлоқ хўжалигига оид *ягоналамоқ*, тилшуносликка оид *ўзлашмоқ* сўз ва атамалари.

Услубий бўёқдор сўзлар бошқа услубий чегараланган соҳага ўтиши.З.М.Маъруфов ва А.Мадвалиев таҳрири остидаги «Ўзбек тилининг изоҳли луғат»лари солиштирганда айрим сўз ва ибораларнинг услубий қўлланиш доираси бир турдан бошқа турга ўзгартирилгани аниқланди.

Жумладан, китобий услубга хос *азмкор* сўзи А.Мадвалиев таҳрири остидаги «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» кам қўлланиладиган сўз, *домод* сўзи шевага хос сўз сифатида баҳоланган. Эскирган *анди* сўзи сўзлашув тилига оид, *гўё* сўзи *поэтик*, *шўро* сўзи тарихий сўз қилиб белгиланган. Мифологик *буроқе* сўзига диний услубий белги берилган. Шевага хос *ўнгмоқ* сўзи кам қўлланиладиган сўз сифатида қайд этилган. Демак, ўзбек тилининг ижтимоий функциялари жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий-маиший ҳаёт ва бошқа соҳаларида кенгайиши тилнинг ички тузилишига катта таъсир ўтказиб, луғат таркибини архаизмларнинг фаоллашуви, ўзлашган сўзлар ва тил ички имкониятларидан фойдаланиб ясалган янги сўз ва сўз бирикмалари билан бойишида намоён бўлади.

Луғат таркибидаги сўз ва атамаларнинг маъно ҳажми кенгайиши ёки тарайиши тил ижтимоий функциялари кенгайганлигидан далолат бериб, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маиший ва бошқа соҳалардаги янгилик ва ислохотларни ўзида акс эттиради.

ХУЛОСА

1. Тилни ижтимоий нуқтаи назардан тадқиқ қилиш унинг ижтимоий ривожланиш мантиқини асослаш ва бунда тил тадқиқотларининг барча аспектларидан кўра функционал ёндашувнинг устувор эканлигини аҳамиятини қайд этиш имконини беради.

2. Тил ривожланиши жамият аъзоларининг ўз тилига бевосита ва билвосита таъсири; жамиятдаги маълум шарт-шароитлар, айниқса, ижтимоий омилларга боғлиқ. Ижтимоий омилларни юзага келтиришда муҳим ҳисобланган ижтимоий-сиёсий, тарихий, иқтисодий, маданий, мафкуравий шароитлар тилнинг ички структураси ва функцияларидаги ўзгаришларни келтириб чиқаради.

3. Тилнинг тараққий этишига сабаб бўлган ташқи шароитлар (ижтимоий омиллар) сифатида иқтисодиёт соҳасидаги ўзгаришлар, ишлаб чиқариш соҳаси имкониятларининг кенгайиши, илм-фандаги ўзгаришлар ва ютуқлар, адабиётдаги янгиликлар, янги ёндашув ва тенденциялар, ижтимоий-сиёсий тузумга хос ўзгаришлар, мафкуравий жараёнларни кўрсатиш мумкин.

4. Таъкидлаш жоизки, 1989 йил 21 октябрда «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг қабул қилиниши ва ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши, шунингдек, 1991 йил 31 августда давлат мустақиллигига эришиш каби муҳим ижтимоий омиллар ўзбек тилининг ижтимоий функциялари кенгайишига олиб келди. Бу эса Ўзбекистон Республикасининг мафкуравий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида долзарб аҳамият касб этади. Бу икки муҳим ижтимоий омил миллий тилнинг бойиши ва ривожланиши жараёнини юзага келтиришда асосий омил сифатида таҳлил қилинди.

5. Мустақиллик ижтимоий омили натижасида ривожланаётган энг аҳамиятли маънавий мерослардан бири ҳисобланган ўзбек халқининг миллий тили жамиятнинг барча соҳалари (сиёсат, иқтисод, фан-техника, адабиёт, санъат ва б.)да юз бераётган жараёнлар: янгиликлар, инновациялар, ривожланишларни акс эттиришга хизмат қилмоқда.

6. Маълум бўлдики, тил тараққиёти даражаси унинг ўзи бажараётган функцияларнинг кенгайиши ва ижтимоий ривожланиш билан узвий боғлиқ. Кўп тармоқ ва соҳаларни ўз ичига олган жамиятнинг ижтимоий ҳаётида тил асосий алоқа воситаси сифатида ишлатилиши ва шу билан бирга жамиятдаги барча ўзгаришлар унда акс этиши баробарида жамият ривожланиши, такомиллашиши, унинг имкониятлари кенгайиши тилнинг ижтимоий функцияларининг ривожланишига олиб келади.

7. Ўзбек тили бугунги кунда радио ва телевидение, таълим, илм-фан, техника, давлат корхоналари, суд, ишлаб чиқариш, расмий ёзишмалар, вақтли матбуот, бадиий адабиёт, маданий ҳаёт, санъат, маданий-оқартув, техникавий

ҳужжатлаштириш, ижтимоий-сиёсий каби соҳаларда стандарт тил сифатида, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, транспорт, қишлоқ хўжалиги, алоқа корхоналарида ҳамда хизмат кўрсатиш соҳалари – савдо, умумий овқатланиш ва бошқаларда халқ учун асосий мулоқот тили сифатида қатор ижтимоий функцияларни амалга оширади.

8. Тил ижтимоий функциялари кенгайиши луғавий таркибдаги ўзгаришлар манбаи эканлигининг асослари ўзбек тили луғат таркибининг бойишида муҳим аҳамият касб этган қайта фаоллашган архаизмлар, ўзлашма сўзлар, янги ясалган сўз ва сўз бирикмаларининг таҳлили билан белгиланади ва бунда тилнинг луғат таркиби грамматик, семантик ва сўз ўзлаштириш усуллари орқали тараққий этганлиги маълум бўлди.

9. Таҳлиллар натижаси кўрсатишича, ўзбек тили ижтимоий функциялари кенгайиши тилнинг ички тузилишига, хусусан, луғат таркиби бойишига катта таъсир ўтказган. Тил ижтимоий функцияларининг жамиятнинг қайси соҳасида ривожланиши луғат таркибидаги қайта фаоллашган архаизмлар, ўзлашма сўзлар, янги ясалган ва ҳосил қилинган сўз ва сўз бирикмаларининг мавзуй гуруҳланишини белгилаб берди. Луғат таркибидаги бундай ўзгаришларининг мавзуй таснифи уларнинг иқтисодиёт, сиёсат, маориф, маданият, спорт, маиший хизмат ва бошқа соҳаларга тегишли эканлигини кўрсатди.

10. Таъкидлаш жоизки, жамиятнинг турли соҳаларидаги ўзгаришлар ва улар натижасида ўзбек тили ижтимоий функцияларининг кенгайиши асосан тилнинг лексик қатламига таъсир қилиши, сўз маъносининг тадрижга ҳос ҳодисалар: маъно кўчиши, маъно ҳажми кенгайиши/торайиши каби семантик ўзгаришлар рўй бериши аниқланди.

11. Тил (ўзбек тили) ижтимоий функциялари кенгайишининг сўз маъноси тараққиётига таъсири З.М. Маъруфов таҳрири остидаги 60000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмасидан иборат 2 томли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» (1981 й.) ҳамда А. Мадвалиев таҳрири остидаги 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмасидан иборат 5 жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» (2006-2008 йй.)даги сўзлар маъноларини қиёслаш орқали айрим сўзларнинг маъно ҳажми кенгайганлиги, баъзиларининг эса маъно ҳажми торайганлиги аниқланди ва бу турли ижтимоий соҳаларда кузатилди.

12. Тил ижтимоий функциялари кенгайиши ижтимоий-сиёсий, мафкуравий, иқтисодий, маданий-маиший ва бошқа соҳаларда сўз қўлланилиши доирасига таъсир этган ва бунинг натижасида сўз услубий қўлланилишида қуйидаги ўзгаришлар: услубий чегараланган сўзларнинг нейтрал қатламга ўтиши, нейтрал қатламдаги сўзларнинг услубий чегараланиши, услубий бўёқдор сўзлар бошқа услубий чегараланган соҳага ўтиши ҳолатлари содир бўлган.

13. Ўзбек тилининг мустақиллик давридаги луғавий таркибини таҳлил этиш тил ижтимоий функциялари кенгайиши унинг луғавий таркибидаги асосий ўзгаришлар омили эканлигини исботлади.